
Дарвешобод маҳалласининг 3 минг 80 метр қисмига асфальт қопламаси тўшалди

Ўзбекистон туманида маҳаллалар инфратузилмасини комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация объектларини барпо этиш ва шу асосида аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган амалий ишлар давом этмоқда.



Шу мақсадда, ижтимоий ҳолати оғир бўлган маҳаллалардан бири Дарвешободдаги таъмирталаб ҳисобланган ички йўлларнинг 3 минг 80 метр қисми асфальтланди.



Яқин муддатларда айни маҳаллада ичимлик суви ҳамда янги электр тармоқларини тортиш, бетон таянч устунларини ўрнатиш ишларини ҳам бажариш кўзда тутилган.
2022-09-29 09:50:09